







Яқинда Япония  
пойтахтининг марка-  
зий "Shibakoen"  
хайбонида "Tokyo  
International Festival"  
халқаро анжумани  
үтказилди. Ушбу  
фестивалди доирасида ташкил этилган Ўзбекистон  
таждидотида Токио ва Минато шаҳарлари маъмуритла-  
ри, кенг жамоатчилик вакиллари хамда Кунчикар  
мамлакатнинг маданият арабблари ҳозир бўлди.

## ДУНЁ НИГОХИ

Тадбир чоғида меҳмонлар юртимиз тарихи ва унинг замонавий ривожланши, ўзбек халқининг маданияти хамда анъаналари билан яқиндан танишилар. Тақдимот чоғида Самарқанд, Бухоро, Хива сингари кўхна шахарлар, улар бағрида жойлашган, маҳобати ва гўзалиги билан жаҳон сайдарларни ўзига жалб қилаётган мэйморий ёдгорликларга алоҳида эътибор қаратиди.

Тақидаш жоизи, ўзбек милли либослари хамда халқ амалий санъати маҳсулотлари кўргазмаси японияликларда катта кизиши ўйғотди. "Guliston" япон ансамбли санъаткорлари томонидан икро этилган ўзбек ашулалари ва ракслари эса тад-

бирга алоҳида шукух бағишлади. "Жаҳон" ахборот агентлиги муҳабири билан сұхбат чоғида Минато шаҳри мэри Масаки ТАКЭИ Япония ва Ўзбекистон ўртасидаги стратегик шерлилк муносабатларининг ривожланиши юқори баҳо берди.

Мамлакатнинг неча асрлар давомида Буюк Ипак йўлининг сурраҳаси сифатида шуҳрат козониб келган, — деди у. — Айнан шу заминда буюк аллома ва мутафаккирлар дунёга келгандарки, жаҳон цивилизацияси тараққиётини уларнинг хизматисиз тасаввур килиб бўлмайди. Ўзбекистон бугун кунда хам Осиёнинг энг мухим давлатларидан биридир. Мамлакатнинг, хатто, глобал иктисодий инқизор



шароитида хам ўсишининг юқори суръатларини намоён қилаётir. Сўнгги йиллар мобайнида японларнинг республикангизга, унинг тарихи, маданияти ва анъаналарига бўлган қизиқиши янада ортиб бораётгани кузати-

лаяти. Ўзбекистонга йўл олаётган япон сайдёлари сонининг тобора кўпаяётгани бу фикрини тасдиқлайди.

Ишончим комилки, бундай тақдимот маросимлари мамлакатимиз аҳолисининг Ўзбекистон

ҳақидаги билимларини оширишга, халларимиз ўртасидаги ўзаро тўғри тушунишнинг чукурлашишига кўмаклашади.

**Жуна КАКУ,  
Минато шаҳар мэрияси-  
нинг Глобал мамлакати-  
маданият ва санъат**

**департamenti директори:**

— Ўзбек халқ амалий санъати маҳсулотлари хамда миллий либосларининг намуналари менда катта таассусот колдириди. Улар мамлакатнинг кўхна ва шонли тарixидан гувоҳлик берини баробариди, ортда қолган асрларнинг маданият анъаналарини хам ўзларидан намоён этди.

Ўзбекистон — мэйморий ёдгорликлари билан жаҳонга машҳур мамлакатидир. Юрtingизнинг кўп миллатли ёдгорликлари эса ўзининг меҳмондустлиги ва очиккўнгиллиги билан хурмат қозонган.


«Жаҳон» АА.

Токио

## ЙИЛНИНГ ЭНГ УЗУН ТУНИ

Юртошларимиз бугун йилнинг энг узун тунини кутиб оладилар: тун узунлиги 14 соату 48 дакиқани ташкил этди. Бу кўёш тоғ эбраси буржига оғиб, хижрий-шамсий йил тақвими ҳисобига кўра, жадий ойи кирганидан далолатдир.

Одатда, тун узайиши меҳмон ойи кириб, тун ва кун тенглашган пайт — 22 сенябрда бошланади. Ой охирга бориб, тун хукмига



Бинобарин, бу фасл обхавосида гап кўп. У келгуси ийл дехкончилгининг бараси, чорванинг барорини белгилаб беради.

Ёмғир — барақа, қор — риз, дәм а к д и р. "Кор ёди, дон ёди" мақоли замидира ана шу ҳаётай ҳақиқат мужасам.

Шу кунларда ёққан корғалага кони фойда. У кузги бүгдой майсаларни устини кўрладек қоплаб, қаҳраннинг изғирларидан асрайди. Кўклам келгач эса корлар эриб, экин томирига куч беради.

Шудгор қилинган ерларда корнинг сингувчан сувлари нам сақлаб, озука вазифасини ўтади. Энг муҳими, қишлоғчи зарар-кунандарга қирон келтиради. Чилла сувини, айниска, бобонглар ўзгача қадрлашади. Пайт бўлди дегунча, улар дов-даражатлар ва токзорларга чилла сувини оқизиши пайдан бўладилар. Негизи, бу вактда сувга кондирилган токзор ва боғлар ўзда сувни бир марта кам талаб қиласи, мўй хосил тўплайди. Шунинг учун халқимиз жадийни барака ойи сифатида хушнудлик билан ташкил этишини яра-

## ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

Болалар — келажагимиз. Бугун кўрсатиляётган эътибор, ғамхўрлик навқирон авлоднинг баркамол улғайшида муҳим аҳамиятга эга. Шу боис мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакатимизда ушбу йўналишда кенг кўлмали испоҳтлар амала оширилмоқда.

2008 йилда "Болаларнинг кафолатлари тўғрисида"ги Конун қабул қилинган бўлиб, унда навқирон авлоднинг соғлиғи, таълим олиши, ижтимоий таъминот, тўлақонли ривожланиш ва энг муҳими, ҳимоясига доир ҳукуқлари тўла қафолатланган. Шунингдек, ижтимоий ҳимоясига мухотж ва этиҳаманд болалар ҳукуқларини кафолатлашга қаратилган қатор Фармон ва карорлар қабул қилинган.

Ушбу мэйморий ҳужжатлар ижтимоий таълим майсаларидан тарбияланади. Чунончи, "SOS — Болалар махаллалари" Ўзбекистон уюшмаси навқирон авлодни тарбиялаш, айниска, ота-она қарамогидан маҳрум болалар учун бошқалардан кам бўлмаган турмуш ва оипавий муҳит шароитини яра-

тишга хизмат қилаётган ижтимоий тузилма ҳисобланади. Унинг бошқа ижтимоий муассасалардан фарқи шундаки, бу ерда болалар оила даврасида улғаяди, касб-хунар эгаллайди, ақа-ука, опа-сингил мөхридан баҳраманд бўлиб vogra etadi.

1997 йилда ўз фаолиятини бошлаган уюшма ота-она қаровисиз қолган ва қолиши хавфи бўлган болаларни жисмоний, интеллектуал ҳамда маънавий камолга етказиша бир қатор ҳайрли ишларга кўнгилга кечиридан бўлган ўрмоқда. Бу борада жойлардаги ҳокимликлар, махаллалар, жамоат ташкилотлари, таълим ва мактабларда бўлиб, болалар учун турли кўнгилочар, интеллектуал ўйинлар ташкил этилар. 2014 йилдан

ижобий самара беради. Буғунги кунда Тошкент, Самарқанд шаҳарлари ва Хоразм вилоятida уттис иккиси оиласда иккиси юнаф бола тарбияланапти.

Тақидаш керакки, бундай махаллаларда ул-

эътиборан "Болаларга ғамхўрлик билан!" шиори остидаги тадбирлар эса масъул тузилмалар ҳамкорлигини кучайтиришга хизмат қилаётir.

Уюшма ўз фаолияти доирасида бевосита хизмат кўрсатиши билан чегараланмай, бола ҳукуқлари ҳимояси соҳасида ҳам лойиҳалар ва тадбирлар ташкил этилди. Бинобарин, 2010 — 2014 йилларда "Менинг қадрим бар! Василикдан чиқиш" лойиҳаси Фарона вилояти, Марғилон ва Кўкон шаҳарларида уюшмасида майқони таъсислаштирилган ғарбиятнига якунига етказилди. "SOS — Болалар махаллалари" кошида "Ёшлар уйлари" фаолияти ҳам йўлга кўйилганки, на вакирон авлоднинг истеъоди ва салоҳитини аниқлаш ҳамда рабтаглантиришда муҳим ўрин тутмокда. Оила мухити, ақа-опа куршови ва эътиборида меҳр кўриб улғайган бола, табиийи, келажакда Ватанини ардокловчи ҳамда юрт фаровонлигига хизмат киливчи фарзанд бўлиб камол топади.

Гулноза АБИДОВА,  
«SOS — Болалар махаллалари»  
Ўзбекистон уюшмаси  
директори.

## МЕҲР ТАФТИ

### «FPI DELIVERY SERVICE» МЧЖ

бог қатор оралари, иссикхона, томорқа ерларига ишлов беришга ҳамда ҳашак ўришга мўлжалланган ихчам, кулагай ва камхаражатли мотокультиваторларни тавсия қилади.

Мотокультиваторлар 6, 6,5 ва 9 от кучига эга. Дизель ва бензин ёнилгисида шилайди.



Мансил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Богишамол кўчаси, 8-й (мўлжал: Юнусобод тумани, 1-сони нотариал идора).

Маълумот учун тел.: (+99890) 176-81-45, 968-56-77, 989-09-62, (0-371) 234-42-17.

С. ИБОДУЛЛАЕВ  
тайёрлари.

## ЁШ ОНАЛАРГА АТАЛГАН МАЖМУА

Чуст тумани тибибиёт бирлашмасининг түгурукухона бўлуми яқин вақтга қадар марказий шифохона биносида фаолият кўрсати келётган эди.

## ҒАМХЎРЛИК

Софлом она ва бола ийли арафасида у реконструкциядан чиқарилган асосий қисми жадига тўғри келади.

Бунинг учун давлат бюджети хисобидан 4 миллиард 354 миллион сўм миқдорида сармоя йўналтирилди, катта жамъдаги бунёдкорлик ишлари амала оширилди. Хозир бу ерда 70 ўринли түгурукухона ва 60 ўринга эга бўлган ҳомилордаги аёлларни даволаш мажмуси мавжуд. Эътиборли жиҳати, замонавий мебеллар ҳамда бошқа жиҳозлар билан таъминланган кенг ва ёргу хоналарда муолажа ишларини юксак савиядага ташкил этиши учун барча шарт-шароит яратилган.

Курдатилла НАЖИДДИНОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## ЭЪЛОНЛАР

### «Кибрай»

клиник санаторийси

юрак-қон томир ва асан тизими  
касолликларни давлат бўйича  
мамлакатимиздаги етакчи  
ихтисослаштирилган сиҳатгоҳидир.  
Бу ерда 2 нафар профессор, олий  
тоифали қардиюл, невропатолог,  
пульмонолог ва бошқа етук  
мутахассислар тиббийтинг  
эигил ўсуллари асосида  
беморларни давлатайдилар.

Фин, турк, япон сауналари, бассейн  
ва жакузи ванналари, фотобочка,  
инфракизи нур билан даволаш  
хонаси ишлаб турибди.

Сиҳатгоҳда фитобот, тенис корти  
ва яна кўлпайликларни мавзуд.  
Яшаш хоналари кабель ТВ ва маъший  
электр асаблари билан жиҳозланади.

Ошондан 5 маҳал пархез  
таомларни ўз ичига олган  
таомнома тавсия қилинади.

Манзилимиз:

Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Қибрай кўргони.  
Метронинг «Буюк Ипак йўли» бекатидан 101-автобус  
ёки 135-йўналиши таксида «Дача» бекатигача бориш мумкин.

Тел.: (0-371) 286-01-46, 286-02-00, 286-01-97.

"Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ жамоаси Тошкент шаҳар минтақави филиали бошлиги ўринбосари Боқиҷон Худойбергановга отаси

Рустам ХУДОЙБЕРГАНОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент молия институти жамоаси Баҳолаш иши ва

инвестициялар

Фарруҳ МИРҲАҚИМОВнинг

вафоти муносабати билан мархумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Таҳририятта келган кўлэзмалар тақриз қилинмайди ва

муаллифа қайтарilmайдi.

Реклама материаллари учун таҳририят жавобга эмас.

Газетада таҳририят компютер марказида терилид ҳамда

оператор Ж. Тогов томонидан саҳифаланди.

Газетанин полиграфик жиҳатдан сифати чоғлиниш